

Мақкада қардош уламолар учрашди



19:54 / 25.06.2023 817

Шу йил 24 июнь куни Мақка шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркия ва Қирғизистон уламолари мулоқот қилдилар. Қозоғистон мусулмонлари идораси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу йиғилишда бош муфтий Наврўзбой ҳожи Тағанули, Туркия диёнат ишлари бошқармаси раиси, муфтий доктор Али Эрбош, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Жалолиддин домла Ҳамроқулов туркий халқларнинг дўсту биродарлиги, иттифоқлиги ҳамда айна кунлардаги ҳаж мавсуми ҳақида сўз юритдилар.





